

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

ШАХНОЗА АСАТУЛЛАЕВНА АБДУРАХИМОВА

**ЎЗБЕКИСТОН ССРДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА ТИББИЙ
ХИЗМАТ МУАММОЛАРИ (1941–1991 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Шахноза Асатуллаевна Абдурахимова

Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги ва тиббий
хизмат муаммолари (1941–1991 йиллар).....3

Абдурахимова Шахноза Асатуллаевна

Проблемы здоровья населения и медицинской
службы в Узбекской ССР (1941–1991 годы).....25

Shakhnoza Asatullayevna Abdurakhimova

Problems of public health and medical care in the
Uzbek SSR (1941–1991 years).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

ШАХНОЗА АСАТУЛЛАЕВНА АБДУРАХИМОВА

**ЎЗБЕКИСТОН ССРДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА ТИББИЙ
ХИЗМАТ МУАММОЛАРИ (1941–1991 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида
B2022.4.PhD/Tar719-раками билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтинда
бажарилган.

Диссертация автореферати учта тил (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме))да Илмий кенгаш
веб-саҳифасида (www.fati.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида
(www.ziyo.net) мағзиларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухайё Сраждиновна Исакова
тарих фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Раҳбархон Ҳамидовна Муртаева
тарих фанлари доктори, профессор

Гавҳар Эсановна Мўминова
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Педиатрия Тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих
институти ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01 ракамли
Илмий Кенгашнинг 2023 йил 19 май соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Мағзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй, ЎзР ФА Тарих
институти, 8-қават, Мажлислар зали. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91,
e-mail: info@fati.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий
кутубхонасида танишиш мумкин (__ ракам билан рўйхатга олинган) (Мағзил: 100170,
Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41.

Диссертация автореферати 2023 йил 6 май куни тарқатилди.

(2023 йил 5 майдаги 6 ракамли реестр баённомаси билан).



[Handwritten signature]

Азамат Зиё

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор

[Handwritten signature]

Х.С. Жуманазаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.ф.д. (PhD)

[Handwritten signature]

Н.А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д. (DSc).

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда жаҳонда содир бўлган ва инсонлар ҳаётига хавф солиб келаётган “тожли оғу” тиббиёт тизими самарали йўлга қўйилмаган ҳамда соҳага инновацион ғояларни жорий этишга етарли даражада эътибор қаратмаган аксарият давлатларда оғир кечди. Айниқса, вужудга келган вазиятда, илгари СССР таркибига кирган республикалар пандемияга қарши курашда ўтган асрдан хал этилмай келган тиббий саноатнинг ривожланмаганлиги ва дори-дармон етишмаслиги билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ССРда совет давлатининг тиббиёт соҳасида олиб борган бошқарув сиёсатини ўрганиш, юзага келган муаммоларни таҳлил этиш, аҳолининг тиббий хизматга бўлган муносабатига баҳо бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида соғлиқни сақлаш тизимининг шаклланиши, ривожланиши, мустамлака даврида таъбиёт ва тиббиёт тарихи, тиббий билим ҳамда маданиятнинг тарихий-фалсафий илдизларини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилган. Жумладан, совет давлатининг тиббиёт соҳасида олиб борган сиёсати, молиялаштириш тизими, мутахассислар тайёрлаш, шифохоналар кўламини кенгайтириш, аҳоли демографияси каби масалалар давр ижтимоий тарихини ёритиш орқали ўрганилган. Бироқ ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги ва тиббий хизмат соҳасидаги ўзгаришлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўлиқ тадқиқ этилмагани боис мазкур масалани янгича илмий-назарий ёндашувлар асосида ёритиш зарурати юзага келмоқда.

Янги Ўзбекистон тиббиёт тизимини ислоҳ этишда илм-фаннинг ютуқларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўтмиш тажрибасини ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи кесимида ўрганиш долзарб саналиб, илгари етарли даражада тадқиқ этилмаган ёки бўрттириб кўрсатилган ижтимоий ҳаёт тарихига оид оқ доғларни аниқлаш, уни сохталаштиришга йўл қўймаслик вазифаси белгилаб қўйилди¹. Ушбу жиҳатдан Ўзбекистон ССРда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва уларнинг совет тиббиётига муносабати, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар ҳамда муаммолари, мутахассислар тайёрлаш ва иш билан таъминлаш тизимини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ-6221-сон Фармонлари ҳамда 2021 йил 25 майдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/docs/3207162>

“Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-5124-сонли Қарори ва соҳага оид бошқа меъерий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳамда тиббиёт тарихи билан боғлиқ айрим жиҳатларини ёритишда диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Танланган мавзу ва белгиланган даврий чегара доирасида Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги ҳамда тиббий хизмат муаммоларини ёритишга бағишланган тадқиқотларни назарий ва концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиқиб уч гуруҳга ажратиш мумкин: совет даврида яратилган адабиётлар; мустақиллик даври нашрлари; халқаро ташкилотлар ва хорижий тадқиқотчиларнинг изланишлари.

Совет тузуми даврида яратилган асарларда муаллифлар Ўзбекистон ССРда совет тиббиёт тизимининг шаклланиши, соҳани мутахассислар билан таъминлаш ва кадрлар тайёрлаш, иқлимий жиҳатдан кенг тарқалган юқумли касалликларга қарши курашиш ҳамда турли ички хасталикларни даволашда тиббиётнинг тадрижий ривожланишини очиб беришга², умуман олганда, муаллифлар мафкуравий талаблар асосида совет тиббиётидаги ютуқларни хонликлар ва Россия империяси даври билан қиёслаган ҳолда, мавжуд

² Каримов А. Здравоохранение советского Узбекистана. – Ташкент: Правда Востока и Кзыл-Узбекистан, 1947; Зоҳидов Х.З. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишининг 25 йиллиги. – Тошкент: Медицина, 1949; Сағатов Р.С. Успехи советского здравоохранения в Узбекистане // За социалистическое здравоохранение Узбекистана. – 1954. – №4. – С. 21–25; Исаев Л.М. Борьба с малярией в Узбекской ССР // За социалистическое здравоохранение Узбекистана. – 1954. – №6. – С. 8–13; Виноградов Н.А. Здравоохранение в предвоенный период. – М.: Медгиз, 1955; Песин Я.Е. Охрана материнства и детства в СССР. – Ташкент: Госиздат УзССР. – 1957. – №11. – С. 59–66; Заиров К.С. Организация санитарно-противоэпидемиологического дела в Узбекистане // Медицинский журнал Узбекистана. – 1957. – №11. – С. 52–59; Погосьянц А.И. К истории развития медицинской помощи населению Узбекистана до Октябрьской революции // Медицинский журнал. – Ташкент, 1958. – №6. – С. 4–10; Кадыров А.А., Дехто Л.Я. Здравоохранение Узбекской ССР. – Ташкент, 1967; Арипов У.А. Развитие медицинской науки в Узбекистане за 50 лет. – Ташкент: Медицина, 1968; Юлдашев Ш.Г. Здравоохранение в Бухарской области. – Ташкент: Медицина, 1968; Махмудова М.Н. Очерки истории развития внутренней медицины в Узбекистане. – Ташкент: Медицина, 1969; Аъзамхужаев С., Юсупов Э. Здоровье народа. – Ташкент: Медицина, 1969; Заиров К.С., Маджидов Н.М. Достижения медицинской науки в Узбекистане и перспективы её развития // Медицинский журнал Узбекистана. – 1974. – №7; Заиров К.С. Здравоохранение Узбекской ССР за 50 лет // Советское здравоохранение. – 1975. – №3. – С. 71–74; Агзамходжаев С.А. Медики Узбекистана в годы ВОВ // Советское здравоохранение. – 1975. – №10. – С. 68–72; Кадыров А.А., Аслиддинов И.Ф. Развитие высшего медицинского образования в республиках Советского Востока // Советское здравоохранение. – 1984. – №3. – С. 15–18; Шарипов М.К. На страже здоровья народа (Развитие здравоохранения и медицинской науки в Узбекистане 1924–1984 гг.). – Ташкент: Медицина, 1977. – 69 с.; Махмудов М. Забота партии о здоровье народа. – Ташкент: Медицина, 1986. – С. 8–12; Хайдаров И.М., Хрипунов В.К. Проблемы перестройки медицины и здравоохранения / Под ред. проф. А.Р. Рахимджанова. – Ташкент: Медицина, 1977. – №12. – С. 3–9.

муаммоларни ошкор этмай, дунё миқёсида ривожланган соҳа эканлигини асослаб беришга ҳаракат қилганлар.

XX асрнинг 50-60 йилларида яратилган бир қатор хорижлик муаллифларнинг асарларида эса бепул ва ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган совет соғлиқни сақлаш амалиёти юқори баҳолаиб, АҚШ ва Ғарб тажрибаси ошкора танқид остига олинганини кўришимиз мумкин³.

Мустақиллик йилларида олиб борилган илмий изланишларда бевосита соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларнинг аксарияти совет давридаги ёндашув ва сиёсат билан боғлиқлиги қайд этилиб, анчагина баҳс-мунозаралар натижасида фанлараро янги тадқиқотлар юзага келди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, муаллифлар орасида бевосита тиббиёт мутахассисларидан тортиб, тарихчи, иқтисодчи, жамиятшунос, ҳуқуқшунос, педагог ва психологларнинг мавжудлиги мавзунинг турли жиҳатлари тадқиқот объекти сифатида ёритилганидан далолат беради⁴.

Жумладан, бир гуруҳ замонавий тадқиқотчилар совет даврида тиббиёт соҳасида касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш борасида олиб борилган профилактик тадбирлар, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани, шифохоналар сонининг ошиб бориши каби ютуқлар билан бирга қишлоқ ҳудудларида аҳвол ўзгаришсиз қолиб, юқумли касалликлар авж олганини очиқ берган⁵.

Совет даври соғлиқни сақлаш тизими тарихини батафсил ўрганган Гавҳар Мўминованинг ишларида⁶ Ўзбекистонда госпитализация ва диспансеризация имкониятининг чекланганлигига асосий сабаб иқтисодий қийинчилик ва аҳоли маиший турмуш шароитининг ёмонлашуви, кўп фарзандлилик сиёсати тарғиботи, интергенетик интервалнинг қисқалиги оналар ва болалар касалланиши ҳамда ўлими динамикасининг ўсиб боришига асос бўлгани ва бу борада Ўзбекистон собиқ иттифоқда юқори ўринда тургани ҳақида хулосалар берилган. Айниқса, 1917–1991 йилларда тиббий кадрлар тайёрлаш

³ Sigerist H.E. *Medicine and health in the Soviet Union*. – New York: Citadel Press, 1947. – 15 p.; Fridland L.S. *The Achievement of Soviet Medicine*. – New York: Twayne Publishers, 1961. – 8 p.; Tabakov G.A. *Medicine in the United States and the Soviet Union: a comparative and critical study*. – Boston: Christopher Publishing House, 1962. – 63 p.

⁴ Райимбердиева О.Р. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашни ташкил қилиш: Иқтисод фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Раҳмонов Д.А. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш: Иқтисод фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012; Юсупалиев Б.К. Совершенствование методических подходов и медико-организационных мер аккредитации деятельности учреждений первичного звена здравоохранения сельских врачебных пунктов: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2016; Ҳайдаров Ш.Д. Касб юзасидан ўз вазибаларини лозим даражада бажармасликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Юридик фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019; Нарметова Ю.К. Соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизмат фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари: Психология фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019.

⁵ Ҳазратқулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения: специфика, опыт, перспективы (1971–1991 гг.): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1993. – 25 с; Махсумов М. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш босқичлари: Тиббиёт фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006.

⁶ Мўминова Г.Э. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917–1991 йиллар). – Тошкент: Yangi nashr, 2015; Ўзбекистонда совет даврида соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917–1991 йиллар): Тарих фан. докт. ... дисс. автореф. (DSc) – Тошкент, 2019.

муассасалари фаолият механизми ва малакали кадрлар сонининг ўсиши, россиялик мутахассисларнинг тиббиёт институтлари фаолиятини йўлга қўйишдаги жонбозлиги самараси сифатида кўрсатиб ўтилган.

Ваҳолонки, бизнинг фикримизга кўра, соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларнинг асоси унинг ҳам маъмурий, ҳам иқтисодий қарамлигида мужассамлашганлигидир. Шу сабабдан республикада тиббий восита ва ускуналар ишлаб чиқарувчи биронта ҳам корхона фаолият юритмаган. Аёллар ва болалар ўлими сонининг ошишига уларнинг эрта баҳордан кишга қадар захарланган далаларда оғир меҳнатга жалб этилиши, туғишдан олдин ва кейинги ижтимоий таътил кунларининг қисқалиги, туғуруқхоналар сони ва улардаги жойларнинг чеклангани, аёллар маслаҳатхоналарида фаолият юритувчи мутахассисларнинг етишмаганлиги жиддий таъсир кўрсатган.

Шунингдек, муаллифлар, совет ҳокимиятининг халқ табобатига қарши олиб борган қувғин ҳамда таъқибларига қарамасдан, табобат ота-боболардан қолган мерос сифатида давом этганини қайд этганлар⁷. Бошқа бир гуруҳ олимлар совет даври тиббиётини жиддий танқид остига олиб, унинг қоқоқлиги сабабларига объектив ва субъектив баҳо берганлар⁸. 2021-2022 йилларда ҳимоя қилинган диссертацияларда терапия, педиатрия, доришунослик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда халқ табобатининг ривожланиш тарихи тадқиқ этилган⁹.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида республика тадқиқотчиларининг изланишларида совет даврида йўл қўйилган хато ва камчиликлар қисман ўз баҳосини топган. Бироқ мазкур ишларда тиббиёт статистикасининг асосий кўрсаткичлари бўлган аҳолининг табиий ўсиши, туғилиш ва ўлимга олиб келган омиллар тиббий хизматнинг сифати билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилмаган.

Охирги 30 йил ичида тиббиёт соҳасида ўрнатилган халқаро ҳамкорлик ва турли чет эл жамғармалари ёрдамида олиб борилган изланишлар натижасида бир қатор хорижий олимлар¹⁰ томонидан совет тиббиётидаги муаммолар очиқ берилган. Уларда совет тиббиётининг барча учун бепуллиги қонунан қафолатлангани, рус шифокори Н.А.Семашконинг аҳоли соғлиғини сақлаш

⁷ Жуманазаров Х.С. Ўзбекларнинг халқ табобати билан боғлиқ анъаналари: Тарих фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018; Убайдуллаев Н. Халқ табобати дурдоналари. – Тошкент: Chashma-print, 2013. – 344 б.

⁸ Расулова Н.Ф. Ўзбекистонда педиатриянинг ривожланиш тарихи: Тиббиёт фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006; Искандарова Ш.Т., Расулова Н.Ф. Тиббиёт тарихи. – Тошкент, 2012. – 156 б; Джуманов С.А. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими асосий йўналишларининг ривожланиши тарихи (1991–2015 йиллар): Тарих фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019. – Б. 14

⁹ Якубова Ш.А. Ўзбекистонда фармацевтика иши тарихи (1946–2020): Тарих фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Қарши, 2021; Каромов Ғ. Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРда соғлиқни сақлаш соҳасининг йўлга қўйилиши: Тарих фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Бухоро, 2021; Тоштемирова Н.Д. Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш иши тарихи (1991–2019): Тарих фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Қарши, 2022.

¹⁰ Макки М., Хилли Дж., Фолкингем Дж. Здравоохранение в Центральной Азии / Пер. с англ. – М.: Весь мир, 2002. – 256 с.; Balabanova D. Health care reform in the former Soviet Union: beyond the transition. – Health Services Research, 2012. pp. 840–864; Bernd R., Erica R., Martin M. Trends in health systems in the former Soviet countries. – United Kingdom: European Observatory on Health Systems and Policies, 2014. – 217 p.; Brittany L. Holom. Strike while the iron is hot: post-soviet healthcare reforms and the critical juncture of the 1990s. – United States of America: ProQuest, 2018. – 299 p.

борасида янги йўналишларга асос солганини эътироф этиш билан бирга, ривожланган давлатлар тиббиёти билан қиёсланганда овоза қилинган ютуқлар уйдирма эканлигини очиқ берганлар¹¹.

Умуман олганда, мавзунинг тарихшунослик таҳлилида совет даври тиббиёт тарихини ёритган мутахассислар соҳадаги камчиликларга, асосан, иқтисодий муаммолар билан боғлаган ҳолда баҳо берганлар. Аммо соғлиқни сақлаш тизимининг қолоқлик сабаблари, энг аввало, сиёсий карамлик, чорасизлик оқибатида инқирозга келиб қолгани аҳолининг совет тиббиёти тўғрисидаги мурожаатларида янада очикланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги ҳамда тиббий хизмат муаммоларини яхлит, махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганиш муҳим саналади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг “Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)” номли ўн жилдлик академик илмий асар яратиш режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсади 1941–1991 йилларда Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги, тиббий хизматнинг ҳолати ва соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ССР аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш масалаларини ёритиб бериш;

уруш йилларида аҳоли сони, саломатлиги ва тиббий хизматнинг ҳолатига баҳо бериш;

Ўзбекистон ССРда ташкил этилган ҳарбий-тиббий муассасалар фаолиятини тадқиқ этиш;

урушдан кейинги даврларда республика соғлиқни сақлаш тизими бошқаруви ва ташкилий асосларидаги ўзгаришларни даврлар кесимида ўрганиш;

давлат органлари ва даврий матбуотга аҳоли юборган мурожаатларни таҳлил этиш асосида фуқароларнинг совет тиббиётига бўлган муносабатини ёритиш;

даволаш муассасаларининг мутахассис кадрлар билан таъминлаш муаммоларини ёритиб бериш;

Ўзбекистон ССРда олий ва ўрта-махсус маълумотли тиббий мутахассисларни тайёрлаш тизими ҳамда тиббиёт ўқув муассасалари битирувчиларини ишга тақсимлаш тартибини тадқиқ этиш;

¹¹ Gil A. Availability and characteristics of nonbeverage alcohols sold in 17 Russian cities in 2007. *Alcoholism, Clinical and Experimental Research*, 2009. pp. 79–85; Maier C.B., Martin-Moreno J.M. Quo vadis SANEPID? A cross-country analysis of public health reforms in 10 post-Soviet states. – *Greet Britain: Health Policy*, 2012. – 25 p; Glonti K., Rechel B. Health targets in the former Soviet countries: responding to the NCD challenge? *Public Health Reviews*. – London, 2013. – 24 p; Marek E. *Fighters for New Life: Doctors, Medicine, and Modernity in Soviet Central Asia, 1925–1953*. – Ottawa: Ontario, 2015. – 147 p.

олиб борилган тадқиқотлар асосида тегишли хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1941–1991 йилларда Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги, тиббий хизмат тизими ҳамда аҳолининг совет тиббиётига доир мурожаатлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги масаласи, тиббий муассасаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришларнинг моҳияти ва муаммолари ҳамда мутахассислар тайёрлаш масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимлилик, даврий-муаммовий, қиёсий ва статистик таҳлил, оғзаки тарих ҳамда социологик сўровнома усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уруш йилларида тиббиёт бошқаруви тўлиқ ҳарбийлаштирилгани оқибатида шифокорлар ва мавжуд дори-дармонлар, асосий тиббий воситалар Ўзбекистон ССРда ташкил этилган 129 та ҳарбий госпиталлар фаолиятига йўналтирилгани боис аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш янада оғир ҳолатга тушиб қолгани ҳамда айрим ҳудудларда беморлар учун пуллик шифохоналар ташкил этилгани аниқланган;

урушдан кейинги йилларда совет ҳукумати томонидан белгилаб берилган талабга кўра, соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқларни асослашда шифо топганлар эмас, кўриқдан ўтказилган ва рўйхатга олинган беморлар сони муҳим кўрсаткич ҳисобланганлиги далилланган;

совет тиббиётининг ютуғи сифатида тарғиб этилган аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида шифохоналар, улардаги жойлар ҳамда бепул даволаниш муддатини узайтириш уйдирма бўлиб, аслида, бу ўзгаришлар хасталикларнинг тури ва кўлами, айниқса, юқумли касалликларнинг кўпайиши туфайли юзага келгани асосланган;

талабаларни сурункали мавсумий дала ишларига мажбурий жалб этилиши, амалий соатларнинг қисқариб кетиши, тиббиётга оид адабиётлар ва таълимнинг рус тилида бўлгани оқибатида битирувчилар малакавий тиббий кўникмаларга беморни даволаш жараёнида эга бўлгани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот давомида Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги ва тиббий хизмат муаммоларига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар асосида республиканинг совет даври ижтимоий ҳаёти, соғлиқни сақлаш соҳаси ва тиббиёт тарихини ўрганишда қўлланиши мумкин бўлган жиҳатлар аҳоли мурожаатлари, оғзаки тарих маълумотлари ҳамда ижтимоий сўровнома натижалари орқали аниқланиб, илмий муомалага киритилди;

Ўзбекистон Миллий архиви ҳамда Ўзбекистон Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архивларида сақланаётган, илгари илмий тадқиқотларга киритилмаган 30 га яқин алоҳида қимматли ҳужжатлар аниқланиб, улар асосида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ССР ҳудудида фаолият юритган 129 та ҳарбий госпиталларнинг фаолияти ёритиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фанидаги илмий ёндашув ва усулларнинг қўллангани, кўплаб бирламчи манбалар ва илмий адабиётлар, хотиралардан фойдаланилгани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда баён этилган таҳлилий мулоҳазалар, назарий хулоса ва таклифлар 1941–1991 йилларда Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги ва тиббий хизмат муаммоларига оид янги методологик ёндашувлар, илмий тадқиқотларда замонавий илмий қарашлар ҳамда ижтимоий муносабатлар бўйича назарий хулосаларни такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш ҳамда уни бойитиб боришга қаратилган мақсадли давлат дастурларининг бажарилиши, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг назарий-илмий асосларини яратиш ҳамда тиббиёт таълим муассасаларидаги “Тиббиёт тарихи” фанидан ўқув дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги ва тиббий хизмат муаммолари (1941–1991 йиллар) доирасида олиб борилган изланишлар давомида олинган илмий хулоса ва натижалар ҳамда таклифлардан:

1941–1945 йилларда Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш тизими бошқаруви тўлиқ ҳарбийлаштирилгани натижасида барча шифокорлар ва мавжуд дори-дармон, асосий тиббий воситалар ташкил этилган 129 та ҳарбий госпиталлар фаолиятига йўналтирилганига оид архив ҳужжатларининг изоҳли рўйхати шакллантирилди (“Ўзархив” агентлигининг 2022 йил 31 октябрдаги 01-26-06/1463-сон маълумотномаси). Аниқланган ҳужжатлар ҳарбий тиббиётнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихига доир тадқиқотлар сифатини янада оширишга хизмат қилади;

урушдан кейинги йилларда СССР томонидан белгилаб берилган тартибга кўра, республика соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқларни рақамлар билан асослаб беришда даво топганлар эмас, аксинча, кўриқдан ўтказилган ва рўйхатга олинган беморлар сони муҳим кўрсаткич бўлганлигига оид назарий хулосалар асосида “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон МТРК “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2022 йил 12 сентябрдаги 485-36-478-сон маълумотномаси). Тақдим этилган илгари илмий муомалага киритилмаган архив ҳужжатлар 1941–1991 йилларда Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги ва тиббий хизматнинг ҳолатини, соҳадаги муаммоларни ёритишда, телетомошабинларнинг ижтимоий ҳаётга оид тасаввурларини бойитишга хизмат қилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан, 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш эълон қилинган. Шу жумладан, Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 165 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблигига асосланиб, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва эълон қилинган ишлар бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“1941–1945 йилларда Ўзбекистон ССР аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш масалалари”** деб номланиб, унда мазкур йилларда республика аҳолисининг демографик манзараси, иқтисодий тақчиллик оқибатида турли юқумли, ошқозон-ичак касалликларининг тарқалиши, уларга қарши олиб борилган тиббий чоралар, оналар ва болалар саломатлиги, жанглarda жароҳатланган ёки касалланган аскарларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган ҳарбий шифохоналар фаолияти ёритилган.

1941 йил январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон ССРда аҳоли сони 6 639 900 кишига етган. Ўша йилнинг декабрида кўчириб келтирилган 330703 кишини ҳисобга олмаганда, умумий ҳисобда аҳоли сони 5 191 279¹² кишига камайиб кетган. Агар эвакуация (ихтиёрий кўчирилган) 1 500 000, махсус кўчирилганлар ва депортация (зўрлик билан кўчирилган) қилинган 1 000 000 дан ортиқ одам¹³ кўшиб ҳисобланганда, уруш йилларида республика аҳолиси 7 329 000 киши¹⁴дан ошиб кетганини кўриш мумкин.

Оғир жисмоний меҳнатга жалб этилган аёллар ва болалар репродуктив саломатлиги ўта ачинарли ҳолатга келган. Ўша йиллари саноат ва ишлаб чиқаришда аёлларнинг улуши – 49, қурилишда – 27, қишлоқ хўжалигида – 44, транспортда – 33, алоқа тизимида – 61 фоизни ташкил этган¹⁵. Оммавий тарзда аёллар ва мактаб ёшидаги ўсмирларнинг саноат корхоналари ҳамда дала ишларига жалб этилиши, оғир меҳнат мажбуриятлари, узайтирилган иш соати, шунингдек, ёмон шароит оналар ва болалар репродуктив саломатлигига ўз

¹² Справка с численностью населения СССР на 1 января 1941 года Центрального статистического управления Госплана СССР (22 апреля 1941 года). – Москва, 1950. – С. 28. https://istmat.org/files/uploads/50979/rgae_4372.41.189.1.19-20.

¹³ Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб (1939–1991 йиллар). – Тошкент, 2019. – Б. 63–67.

¹⁴ Ориентировочный расчет численности населения СССР на 1 декабря 1941 г. (без территории временно занятых на эту дату немцами // <http://istmat.info/node/44079>.

¹⁵ Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1983. – С. 265.

таъсирини ўтказди. Тинч аҳоли учун касалхоналар ва улардаги ўринларнинг камлиги, мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда моддий қийинчиликлар зарур тиббий хизмат кўрсатишга тўсқинлик қилган. Натижада уруш ва ундан кейинги йилларда туғилиш кўрсаткичи кескин тушиб кетган. Ўлик ва ногирон туғилган чақалоқлар сони ортиб борган, бу эса, ўз навбатида, миллат генофондига сезиларли таъсир кўрсатган.

Олиб борилган изланишлар натижасида уруш йилларида Ўзбекистон ССРда фаолият юритган шифохоналарнинг сони 1937 йилга нисбатан 262 тадан 368 тага, даволаш ўринлари эса 19 498 тага, қишлоқ врачлик участкалари сони 9,1 марта ортгани аниқланди. Бироқ мазкур кўрсаткичлар қисқа фурсатда ярадор жангчиларларга хизмат кўрсатиш ва ҳарбий хизматга қайтаришга йўналтирилган госпиталлар ҳисобига ошган. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг аксарияти фронтга сафарбар этилган бўлса, қолганлари эвакогоспиталларда фаолият юритган. Натижада аҳолига умумий тиббий хизмат кўрсатиш сифати кескин ёмонлашган. Қишлоқларда очилган тиббий пунктлар мутахассислар, дори-дармон, ёқилғи ва зарурий маблағларнинг етишмаслиги сабабли ёпиб қўйилган эди. Натижада касалланиш оқибатида қайд этилган ўлимлар сони ошиб борган.

Жойларда юқумли касалликлар бўйича шифокорлар бўлмагани сабабли аҳоли орасида тарқалган безгак, терлама, чечак, грипп, қизамиқ, ошқозон-ичак, дифтерия, дизентерия, токсик диспепсия, минингит каби касалликларнинг олдини олиш имкониятлари чекланиб борган. Расмий ҳисоботларга кўра, республикада кенг тарқалган юқумли касалликлардан бири – безгак билан 1942 йилда – 428 621, 1943 йилда – 560 596, 1944 йилнинг 9 ойи ичида – 402 565 бемор рўйхатга олинган¹⁶. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу маълумотлардаги рақамлар кескин камайтириб кўрсатилган. Масалан, архив ҳужжатларининг бирида 1941 йилда Ўзбекистон ССРда безгак билан касалланган беморларнинг умумий сони 20390 нафардан иборат, деб келтирилган¹⁷. Изланишлар жараёнида ўша йили биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 30561¹⁸, Андижонда эса 15369 киши безгак билан касаллангани аниқланди¹⁹.

Юқумли касалликларга қарши эмлаш зарурий дори воситалари етишмаганлиги сабабли қониқарсиз равишда олиб борилган. Жумладан, 1942 йилнинг 8 ойида республика бўйича болаларни бўғмага қарши дастлабки эмлаш – 33, қайта эмлаш эса 22 фоизга бажарилган. Чечакка қарши эмлаш – 75, қайта эмлаш – 42 фоиз деб ҳисоботлар берилган бўлса-да, амалда болалар касалликлари ва ўлим кўрсаткичлари юқори даражада сақланиб қолган.

1941–1942 йилларда Ўзбекистон ССРда фаолият юритган 129 та эвакогоспиталларга умумий 100 000 га яқин бемор аскарлар қабул қилиниб, даволанган²⁰. Ўзбек халқининг 1513 та меҳнат жамоалари, жумладан, 750 та

¹⁶ ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 5016-йиғмажилд, 91-варақ.

¹⁷ ЎзМА, Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 919-йиғмажилд, 12-варақ.

¹⁸ Самарқанд вилояти давлат архиви, 1684-фонд, 1-рўйхат, 2396-йиғмажилд, 13-варақ.

¹⁹ Андижон вилояти давлат архиви, 94-фонд, 1-рўйхат, 222-йиғмажилд, 25-варақ.

²⁰ Фарғона вилояти давлат архиви, 1104-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 11-варақ.

корхона, колхоз ва совхозлар госпиталларни оталикқа олиб, уларни ёқилғи, озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб турган. Республика бўйича 18 400 нафар донорлар беморлар учун 13 000 литр қон топширган²¹.

1941–1945 йилларда ташкил этилган тиббиёт ўқув курсларида 8054 нафар ҳамшира, 22 658 нафар санитария гуруҳи аъзолари, 1382 нафар тозаликка жавобгар ходимлар тайёрланган. Аммо тадқиқ этилган архив ҳужжатларида эвакогоспиталларда фаолият олиб борган шифокор ва ҳамшираларнинг миллий таркиби ўрганилганда, маҳаллий аҳоли, асосан, ҳамширалик, тозалик ҳамда хўжалик ишларига жалб этилгани аниқланди²².

Хулоса қилиб айтганда, уруш республика иқтисодий ҳаётидаги инқирозни янада кучайтириб, санитария-эпидемик вазиятни мураккаблаштирди. Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳам бошқа тармоқлар сингари тўлиқ ҳарбийлаштирилди. Аҳоли сонининг кўчириб келтирилганлар ҳисобига ошиб бориши, уй-жой муаммоси, озиқ-овқат танқислиги, маиший хизмат кўрсатиш тизимининг издан чиққанлиги ва ҳаёт сифатининг тушиб кетиши турли хил юқумли ҳамда ошқозон-ичак касалликларнинг кенг тарқалиши ва ўлимлар сонининг кўпайишига олиб келди.

Диссертациянинг **“1946–1991 йилларда Ўзбекистон ССР тиббиёти”** деб номланган иккинчи бобида соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифалари, амалга оширилган ўзгаришлар, тиббий хизмат турлари, даволаш муассасалари сони, аҳоли ва аҳолининг тиббиётга бўлган муносабати ёритилган.

Урушдан кейин расман тинчлик даврига ўтганини эълон қилган совет давлати 30 йил давомида ҳукмронлик қилган ҳарбий бошқарув сиёсатидан расман воз кечиш мақсадида ижро органлари ҳисобланган халқ комиссариатларини вазирликларга айлантириш қарорини қабул қилган эди. Хусусан, Ўзбекистон ССР Олий кенгашининг 1946 йил 27 мартдаги қарорига асосан, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги фаолияти тугатилиб, унинг ўрнига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил этилган²³. Натижада Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида янги таркибий бўлимлар: оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт экспертизаси, дори-дармон ва протез билан таъминлаш бўлими, тиббий илмий кенгаш, ногиронлар уйлари, болалар уйлари ҳамда яслилар ташкил этилди.

1950 йилларга келиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизими асосини уч турдаги даволаш муассасалари: катталар, болалар шифохоналари ва туғурук уйлари ташкил этган. Бундан ташқари, айрим касалликлар учун махсус маъмурий тузилма, яъни диспансерлар (сил, тери-таносил, руҳий, онкологик, наркологик касалликлар) фаолият юритган. Мазкур муассасалар олдида иккита асосий вазифа, яъни туғилиш кўрсаткичларини оширишга хизмат қилиш ва ишлаб чиқаришни соғлом ишчи ресурслар билан таъминлаш қўйилган эди.

²¹ Маҳкамов А.В. Рассекречивание документов периода Второй мировой войны в Республике Узбекистан // Отечественные архивы. – Москва, 2020. – №4. – С. 214.

²² ЎзМА, Р-2096-фонд, 1-рўйхат, 39-йиғмажилд, 3–277-варақлар.

²³ ЎзМА, Р-2096-фонд, 5-рўйхат, 4122-йиғмажилд, 10-варақ.

Совет ҳокимиятининг барча соҳаларда йиллик ва 5 йиллик режа кўрсаткичларини ошириб кўрсатиш талаби тиббиёт ҳисоботларига оид рақамларида ҳам кўзбўямачиликларни вужудга келтирган. Хусусан, бош шифокорлар касалликларга қарши қурашишда рақамларни ошириб кўрсатиш ёки аксинча, салбий ҳолатларни яшириб тақдим этган. Масалан, замонавий тиббиёт статистикаси билан шуғулланувчи мутахассисларнинг маълумотида кўра, ушбу даврда чала туғилган ёки оғирлиги белгиланган меъёрдан кам бўлган чакалоқлар 7 кундан сўнг тириклар ҳисобига киритилган. Натижада рўйхатга олинган ҳомиладор аёлларнинг миқдори туғилган болалар сонидан кескин фарқ қилган, ҳақиқий ўлим кўрсаткичи эса 20 фоизга камайтириб кўрсатилган²⁴.

XX асрнинг 60–70 йилларида тиббиёт муассасалари тармоғи билан бир қаторда ихтисослашган хизмат турлари кенгайиб, аҳолига шошилишч биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди. Бирламчи бўғинлар – амбулатория-поликлиника муассасалари ва йирик кўп тармоқли шифохоналарнинг қурилиши (1000 та ўрин жой) ҳамда мавжуд марказий туман шифохоналарнинг имкониятларини 300–400 та ўрин-жойга ошириш, тиббиётнинг терапия, кардиология ва пульмонология йўналишларида изланишлар олиб борилди. Ушбу йўналишларга эътибор қаратилиши, энг аввало, аҳоли орасида кенг тарқалган ижтимоий касалликлар, жумладан, нафас йўллари, юрак-қон томир, онкологик ҳамда аллергия хасталикларига чалинган беморлар сонининг ошиб борганлиги билан боғлиқ эди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ерга ишлов бериш учун турли захарли кимёвий моддаларнинг қўлланиши 1,5 баробарга ортиб, суғориш иншоотларини қуриш ва қўриқ ерларни ўзлаштириш кенг миқёсда олиб борилгани атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказиб, турли хавфли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлган. Бундан ташқари, 1965 йил 1 январь ҳолатига кўра, 989 та колхозлардан 65 (6 фоиз), 290 та совхозлардан фақатгина 49 (5 фоиз)таси ичимлик суви билан таъминланган эди²⁵.

1965 йилнинг ёзида Қорақалпоғистон АССР, Тошкент, Бухоро, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида вабо касаллиги қайд этилган эди. Айрим ҳолларда ўз касбига совуққон ва ижобий статистикани бузиб кўрсатишга ботина олмаган шифокорлар танқидга учрамаслик учун аҳоли ўртасида тарқалган ушбу касалликни беркитиб, беморларни бошқа ташхис билан рўйхатга олган эди²⁶.

1973 йил 5 сентябрдаги СССР Вазирлар Кенгашининг қарорига мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибий тузилмасида амалга оширилган навбатдаги ўзгаришлар натижасида дам олиш уйлари, санаторий (сил

²⁴ Ахмедов М., Азимов Р., Алимова В., Речел Б. Узбекистан обзор системы здравоохранения. – С. 16.

²⁵ ЎзИТТХМА, 1-фонд, 5-рўйхат, 4122-йиғмажилд, 56-варак.

²⁶ Ривкус Ю.З., Шавахабов Ш.Ш., Хакимов М.М., Семиотрочев В.Л. Проблема клинико-этиологической классификации заболеваний, вызванных вибрионами, и оценка эпидемиологического значения разных эковаров *Vibrio cholerae* 01 eltor // Микробиологии, эпидемиологии. и иммунобиологии. – Москва, 1997. – №3. – С. 121–124.

касалликлари санаторийларидан ташқари) ва курортларнинг барчаси касаб яушмалар тасарруфига ўтказилган²⁷.

Ўша даврда Африка мамлакатлари озодлиги учун ижтимоий-маданий ёрдам бериш шиори остида СССР ҳукумати Ангола, Жазоир, Эфиопия ҳамда Мозамбикка дастлаб ҳарбий шифокорлар, сўнгра “кўнгилли” мутахассисларни юборади. Аммо аксарият шифокорлар СССРни Африкадаги урушларда қатнашаётганини бевосита жанг майдонларига кириб боргандан сўнг англаб етади. Ушбу амалиёт иштирокчиси бўлган шифокорларнинг хотирлашича, 1975 йилда Африка аҳолисига ёрдам бериш мақсадида борган тиббий ходимлар, аслида, урушда жароҳатланган совет ҳарбийлари, социалистик мамлакатларнинг дипломатлари ҳамда журналистларга тиббий хизмат кўрсатган. 1980 йилга қадар ушбу ҳудудларда ҳарбий хизмат ўташ учун борган шифокорлар эрталаб 9.00 дан кундузги 12.00 гача, тушдан сўнг 16.00 дан кеч соат 19.00 га қадар оғир иқлим шароитли ва юқумли касалликларнинг ўчоғи бўлган хавфли ҳудудларда ишлашга мажбур бўлган эди²⁸.

1980 йилда Ўзбекистон ССРдан Ўрта Осиё педиатрия институти “Жарроҳлик” кафедраси ўқитувчиси А.А.Ўткиров ҳам икки йил муддатга Жазоирга юборилган. Хизматдан қайтган шифокор ўқув даргоҳига Газ–24 автоуловини ҳайдаб келганида, кўпчилик талабалар орасида ҳавас уйғотишга сабаб бўлган²⁹. Бу эса совет давлатини хорижга юборган шифокорларни моддий рағбатлантириш борасидаги юзаки манзаранинг шаклланишига туртки бўлган. Аммо Африкадан қайтган аксарият шифокорлар турли давосиз касалликларга учрагани ҳеч қаерда очиқланмаган.

СССРнинг Африка давлатлари билан ташқи алоқаларининг ўрнатилиши мутахассис ва талабалар билан алмашиш дастури бўйича кириб келган ёки четга чиққан кишилар орасида янги турдаги касаллик – ОИТСнинг тарқалишига ҳам сабаб бўлган. Норасмий манбаларда 1970 йилларнинг охирида қайд этилган ушбу касаллик узоқ йиллар давомида совет ҳукумати томонидан инкор қилинган. Аммо, минг афсуски, 1987 йилда Африка қитъаси элчихонасида таржимон бўлиб ишлаган ёш йигитнинг ўлимига сабаб бўлган касаллик айнан ОИТС эканлигини совет давлати тан олишга мажбур бўлган³⁰.

Тез орада, яъни 1987 йилнинг 13 августида Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг 1124-қарорига асосан, Тошкент шаҳрида Республика ОИТС диагностика маркази ва Самарқанд вилоятида диагностика лабораторияси ташкил этилади. 1988 йилдан республиканинг барча вилоятларида

²⁷ Россия Федерацияси Давлат архиви, 8009-фонд, 1-рўйхат, 1608-йиғмажилд. 51-варақ // <https://guides.rusarchives.ru/funds/6/ministerstvo-zdravoohraneniya-sssr-1936-1991>. Министерство здравоохранения СССР. 1936–1991 / База данных «Путеводители по российским архивам».

²⁸ Григорьева С.В. Повседневность советских врачей в Анголе (1975–1989) (по мемуарной литературе). – Манускрипт, 2021.

²⁹ Оғзаки тарих маълумотлари. Болалар жарроҳи ва анестезиолог А.И.Султонов билан суҳбат материаллари. 2022 йил 3 июнь.

³⁰ Кто и когда привез ВИЧ в СССР – Газета.Ru. 31 октября 2016, 09:03. <https://www.gazeta.ru/science>. Мурожаат санаси. 2022 йил 6 октябрь.

диагностика лабораториялари ўз фаолиятини бошлади³¹. Ушбу идораларнинг ташкил этилиши республикада ОИТС хавфи кучайиб борганлиги, унинг тарқалиш омилларидан бири бўлган тиббий ускуналарни зарарсизлантириш (стирил) учун керакли воситалар етишмаслиги соҳанинг нақадар колоқлигидан далолат беради.

Оғир ижтимоий шароит ҳамда экологик вазиятнинг кескинлашуви натижасида 1991 йилга келиб, оналар ва болалар орасида камқонлик билан хасталаниш 550 баробарга ортиб, ҳар 10 000 аҳолига нисбатан 1160 кишини ташкил этган³².

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқ этилган даврда совет тиббиётининг расмий ҳисоботларда келтирилган ютуқлари ва афзаллиги эмас, аксинча, муаммолар гирдобини остида қолганини кўриш мумкин. Фуқаролар мурожаатларида тиббий хизматнинг қониқарсизлиги, шифохоналарда дори-дармон, тиббиёт ускуналари ҳамда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, шифохоналарнинг аксарияти мослаштирилган биноларда жойлаштирилганига амин бўлиш мумкин. Оқибатда, совет тиббиётига ишончи сўнгган аҳоли турли табиб ва экстрасенсларга мурожаат этишга мажбур бўлган. Тиббий-санитария талабларига умуман жавоб бермаган ва мослаштирилган биноларда очилган касалхоналарнинг статистик ҳисоботларида ютуқ сифатида кўрсатилиши, амалда кўзбўямачилик манзарасини яратишга хизмат қилган. Аслида, шифохоналар сонининг ортиши соҳанинг ривожлангани эмас, аксинча, касалликлар кўпайиб борганидан далолат беради.

“Шифокорларни тайёрлаш ва иш билан таъминлаш муаммолари” деб номланган учинчи бобда ходимлар қўнимсизлиги, шифокорларнинг ойлик маошлари ҳамда турмуш шароитлари, иш жойларига тақсимлашдаги ноҳолисликлар, олий ва ўрта маълумотли тиббиёт кадрларини тайёрлаш, ўқув дастурлари, соатлари, талабаларнинг миллий таркиби ва ўзлаштириш кўрсаткичлари тадқиқ этилган.

Расмий рақамларга мурожаат этганда, Ўзбекистон ССРда 1940 йилда – 3158, 1960 йилда – 12 106, 1970 йилда – 24 423, 1980 йилда – 45 995, 1989³³ йилда – 68 477 та олий маълумотли шифокорлар фаолият юритган³⁴. Ўрта махсус маълумотига эга бўлганлар сони эса 1940 йилдаги 12,3 мингдан, 1989 йилга келиб 3 386 000 кишига етган³⁵. Мутахассислар сони кўпайган бўлса-да, чекка қишлоқларда шифокорларнинг етишмаслиги муаммоси ҳал этилмаган. Масалан, 1944 йилда безгакка қарши курашиш тропик станцияларига ишлаш учун юборилган 10 нафар битирувчилардан фақат бир киши белгиланган ҳудудда фаолият юритган, холос³⁶. 1960 йил октябрда қишлоқ жойларига

³¹ Центр по борьбе со СПИДом – клиники Ташкента, лечение / Медицинский каталог Узбекистана. <https://mku.uz/view.php?id=860>. Мурожаат санаси. 2022 йил 6 октябрь.

³² ЎЗИТТХМА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 82-йиғмажилд, 11-варақ.

³³ Здравсохранение в Узбекской ССР (справочные материалы). – Ташкент: Узбекистан, 1990. – С. 45–46.

³⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С. 286–287.

³⁵ Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. – Ташкент: Узбекистан, 1964. – С. 335.

